

ФУРҚАТ ТУМАНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТУРЛИ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА ОЛДИНГИ ЎРИНЛАРНИ БАНД ҚИЛИБ БОРМОҚДА.

Ҳозирги кунда, Фурқат туманида 37 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, 32 та умумтаълим мактаблари, 4 та ИДУМ ва 1 та БАБМ мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги 3 та, 6,15,23-сонли умумтаълим мактаблари 2021 йилда “Инвестиция” дастурига киритилган. 6-умумий ўрта таълим мактаби Инвестиция дастури доирасида капитал реконструкция ишлари режалаштирилган бўлиб, 2 млрд. 239 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда мавжуд 180 ўринли ўқув биноси мукамал таъмирланиб, 210 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб битказилди. 23-умумтаълим мактаби “Инвестиция” дастурига қўшимча равишда киритилиб, дастур доирасида 330 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳамда 12x24 ўлчамдаги спорт зали қуриш, шунингдек мавжуд ўқув биноларини мукамал таъмирлаш ишлари учун 6 млрд 192 млн. сўм маблағ ажратилган. Мазкур қурилиш ва таъмирлаш ишлари жорий йил декабрь ойида якунига етказилиши режалаштирилган. “Обод қишлоқ” дастури доирасида 15-умумтаълим мактабига 3 млрд 850 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, дастур доирасида мавжуд 480 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш, ҳамда умумтаълим мактаби филиалига 210 ўринли ўқув биноси қуриш, капитал реконструкция қилиш ишлари, мактабида мавжуд 480 ўринли ўқув биносининг мукамал таъмирлаш ишлари якунланди. Умумтаълим мактабининг филиалида 210 ўринли ўқув биносини қуриш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Мазкур қурилиш ва таъмирлаш ишлари жорий йил декабрь ойида якунига етказилиши режалаштирилган.

[Аввал хабар берганимиздек](#), тумандаги умумтаълим мактабларда 11-синф битирувчиларининг олий таълимга кириш кўрсаткичи 30,2 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,1 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткич бўйича Фурқат тумани вилоятда 2-ўринни эгаллаган. Ўтган ўқув йилига нисбатан педагог кадрлар салоҳияти олий тоифали ўқитувчилар 53 нафардан 146 нафарга яъни 5,8%га, биринчи тоифали ўқитувчилар 306 нафардан 484 нафарга яъни 8,1%га ошиб, туман кўрсаткичи вилоятда 1-ўринга чиқиб олди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

















2021-11-04 10:19:04